



ФРАНЦИЯДА МЕРОС ҲУҚУҚИ

Яллаева Шахзода,

Термиз шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

E-mail: syallayeva@gmail.com

Аннотация: Ушбу тезисда мерос ҳуқуқининг қонунчиликдаги ўрни ва унинг Франция қонунчилигидаги тартиби ва унга қўйилган талаблар ёритилган. Шу билан бирга мероснинг бекор бўлиш ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: мерос, шартнома, васиятнома, ҳуқуқий мажбурият.

Франциянинг ҳуқуқ тизими роман-герман оиласига мансуб бўлиб, барча турдаги ижтимоий муносабатлар норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Франциянинг мерос ҳуқуқи 21 март 1804 йилда кучга кирган, “Наполеон кодекси” номи билан машҳур бўлган ҳамда Франция фуқаролик ҳуқуқининг манбаси ҳисобланган Франция Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Франция қонунчилигига кўра мерос - вафот этган фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсларга ўтказиш жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Франция Фуқаролик кодексига мувофиқ, мерос табиий ўлим оқибатида очилади (1854 йил 31 майдаги қонун қабул қилинганга қадар фуқаролик ўлими билан ҳам очилган).

Франция Фуқаролик кодексининг амалдаги қоидаларига кўра, мулкни мерос қилиб олиш қонун ёки васиятнома бўйича амалга оширилади. Васиятнома бўйича мерос олишда мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, никоҳсиз туғилган болаларнинг мажбурий улушига бўлган ҳуқуқлар белгилаб қўйилган[1]. Бу улуш болалар сонига боғлиқ бўлиб, мерос мулкнинг ярмидан тўртдан учига қадар бўлади.

Франция Фуқаролик кодексида қонун бўйича меросхўрларнинг ворислик навбати Ўзбекистон Фуқаролик кодексидаги каби аниқ тартиби мавжуд бўлмаса ҳам Франция Фуқаролик кодексининг 731 ва 738 - моддаларидаги қоидаларни жамлаб, қонун бўйича меросхўрларнинг қуйидагича тартибини белгилай оламиз:

Биринчи навбатда - болалар ва набиралар. Бунда қонуний никоҳда туғилган болалар, фарзандликка олинганлар ва никоҳда бўлган шахснинг никоҳдан ташқари муносабатларидан туғилган болалари тенг ҳуқуқларда меросхўр ҳисобланади.

Иккинчи навбат - ота-оналар, ака-ука, опа-сингиллар ва уларнинг фарзандлари (мерос қолдирувчининг жиянлари).

Учинчи навбат - марҳумнинг бобо ва бувиси ва тўғри чизиқдаги узоқроқ аждодлари.

Тўртинчи навбат – мерос қолдирувчининг тирик бўлган турмуш ўртоғи.



Бешинчи навбат - ён чизиклар бўйлаб қариндошлар (амакилар, хоалар, амакиваччалар, холаваччалар, олтинчи даражадан ўн иккинчи даражагача бўлган ён чизикдаги қариндошлар).

Франция мерос қонунчилиги бўйича меросхўр мерос очилганда тирик бўлиши, ҳомила ҳолида бўлганда эса тирик туғилиши талаб этилади. Бундан ташқари меросхўр нолойиқ меросхўрлар сафида бўлмаслиги керак. Франция ФКнинг 727 - моддасида кимлар нолойиқ меросхўр ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган ва улар қуйидагилар:

- 1) мерос қолдирувчининг ўлимига сабаб бўлганлиги ёки ўлимига суиқасд қилганлиги учун судланган меросхўр;
- 2) мерос қолдирувчига нисбатан тухмат асосида жиноий иш қўзғатган меросхўр;
- 3) мерос қолдирувчига суиқасд тўғрисида маълумот олган ҳолда, бу ҳақда суд органларига хабар бермаган вояга етган меросхўр.

Франция қонунчилигига кўра, меросни қабул қилишнинг икки шакли мавжуд:

-оддий шаклда меросни қабул қилиш (тўлик);

-инвентаризация қилиш шарти билан меросни қабул қилиш.

Меросни тўлик қабул қилиш муайян ҳолатда, оддий ёки нотариал шаклда ариза тузиш ва уни нотариусга юбориш орқали ёки мерос ҳуқуқига кириш ниятини кўрсатадиган муайян ҳаракатлар натижасида яширин равишда амалга оширилиши мумкин. Масалан: марҳумнинг кўчмас мулки учун суғурта бадалини тўлаш, унинг мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи олиш ва ҳ.к.

Инвентаризация қилиш шарти билан меросни қабул қилиш тўғрисидаги ариза эркин шаклда ёки махсус бланкани тўлдириш орқали тузилиши мумкин. 2017 йил ноябргача очилган, инвентаризация қилиш шарти билан меросни қабул қилиш тўғрисидаги ариза марҳумнинг охириги яшаш жойидаги Юқори суд инстанцияси (Tribunal de Grande Instance)га берилади. Мерос тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш натижасида 2017 йилнинг ноябрь ойидан кейин очилган инвентаризацияни тузиш шарти билан меросни қабул қилиш тўғрисидаги ариза нотариусга ҳам берилиши мумкин.

Франция Республикаси қонунчилиги қоидаларига кўра, меросхўр меросни қабул қилиш ёки уни рад этиш тўғрисидаги аризани мерос очилган кундан бошлаб 4 ой ичида тўлдириши керак. Ушбу муддат тугагандан сўнг, меросхўрнинг аризаси бўлмаган тақдирда, қуйидаги шахслар меросхўрга мерос мол-мулки бўйича мақбул қарор қабул қилишни сўраб мурожаат қилишга ҳақли:

-мерос қолдирувчининг кредиторлари;

-бошқа меросхўрлар;

-ҳукумат идоралари.

Бундай мурожаатдан кейин меросхўр 2 ой ичида меросни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида ариза бериши керак, акс ҳолда у ҳеч қандай изоҳларсиз меросни тўлик қабул қилган деб эътироф этилади.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'OYALAR



Юқорида кўрсатилган шахсларнинг мурожаатлари бўлмаган тақдирда, меросхўрга мерос мулки бўйича ҳар қандай қарор қабул қилиши учун 10 йил муддат берилади. Бу муддат тугагач, меросхўр меросдан бутунлай воз кечган деб эътироф этилади.

Франция қонунчилигига мувофиқ, мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мерос гувоҳномаси ёки нотариал ҳужжат ҳисобланади.

Агар мерос миқдори 5000 евродан кам бўлса, марҳум васиятнома қолдирмаган, мерос қолдирувчи ва унинг турмуш ўртоғи ўртасида никоҳ шартномаси тузилмаган бўлса, меросхўрлар ўртасида улушларни тақсимлаш бўйича низолар бўлмаса, шунингдек, агар мерос мулкида кўчмас мулк бўлмаса гувоҳнома берилиши мумкин. Ушбу ҳужжат меросхўрнинг яшаш жойидаги, мерос қолдирувчининг вафот этган жойидаги ёки унинг охириги яшаш жойидаги шаҳар ҳокимлиги томонидан берилади.

Агар мерос миқдори 5000 евродан ошса, меросхўр мерос тўғрисидаги нотариал ҳужжатни расмийлаштириш учун нотариусга мурожаат қилиши керак.

Кўриб турганингиздек, мерос масаласи Франция давлатида анчагина мураккаб.

ИҚТИБОСЛАР:

1. https://togudv.ru/ru/faculties_old/full_time/isptic/iogip/study/studentsbooks/histsources2/igpzio49/